

ТАСДИҚЛАЙМАН

Бағдод тумани Халқ таълим бўлими

муздир  Д.Каримова

_____ 2022 йил

Етказиб берувчи ташкилотни танлаб олиш учун ТАНЛАШ ХУЖЖАТЛАРИ

Танлаш хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлаш иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛАШ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлаш предмети: Бағдод тумани Халқ таълим бўлимига қарашли 1 мактаб.

1.2. Танлаш қиймати: Бағдод тумани Халқ таълим бўлимига қарашли 1 мактаб биносини мукамал тамирлаш ишлари учун қиймати 393 839 455 (Уч юз тўқсон уч миллион саккиз юз ўттиз тўққиз минг тўрт юз эллик беш) сўм ни ташкил этади. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Ишларни бажариш муддати:

Шартнома имзолангандан сўнг 40 иш куни давомида буюртмачи томонидан кўрсатилган тамирлаш ишларини тўлиқ таъминлаш.

1.4 Ишларни бошлаш муддати– шартнома Ҳазначилик бўлимида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг томонларнинг келишувига асосан 40 кун муддат ичида етказиб берилиши шарт. (бунда: об-ҳаво ёки шунга ўхшаш ҳолатлар ўрганилади).

2. ТАНЛАШ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Бағдод тумани Халқ таълим бўлими (бундан кейин–“Буюртмачи” деб аталади) - танлаш ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Бағдод тумани Халқ таълим бўлимига қарашли 1 мактаб.

2.2. Танлаш “Буюртмачи” томонидан танлаш ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлаш Бағдод тумани Халқ таълим бўлими - “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танлашда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик макомга эга бўлган ташкилотлар ҳамда жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркорлар)лар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танлашда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлаш предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлаш предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танлашда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлаш жараёнида иштирок этишга рухсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (**etender.uzex.uz**) порталига электрон танлашлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

4.2. Танлаш учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлаш ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва етказиб бериладиган маҳсулотлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми, танлаш шартларида белгиланган нархлар доирасида, маҳсулотларни етказиб бериш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Танлаш иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.2. Танлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлаш иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлаш ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танлашда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлаш ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида уч кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлаш иштирокчиси танлаш ҳужжатлари қодаларини танлаш ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлаш ҳужжатларининг қодаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танлашнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлаш натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлаш иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлаш натижалари бўйича шартнома танлаш ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

ТАСДИҚЛАЙМАН



Бағдод тумани Халқ таълим
бўлими мудирини

Д.Каримова

2022 йил

Бағдод тумани Халқ таълим бўлими тасарруфидаги 1-мактаб биносини мукаммал тамирлаш ишлари бўйича ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Иштирокчилар учун маълумотлар
1	Махсулот номи	Мукаммал тамирлаш
2	Буюртмачи	Бағдод тумани Халқ таълим бўлими
3	Буюртма учун асос	Бағдод тумани Халқ таълим бўлими тасарруфидаги 1-мактаб биносини мукаммал тамирлаш
4	Махсулот етказиб бериладиган манзил	Фарғона вилояти Бағдод тумани Оқ олтин кўчаси 4 уй
5	Қатнашувчилар учун талаблар	Танлаш ҳужжатларида кўрсатилган ишларни сифатли ва киска муддатларда бажариб бериш.
6	Бажарилган ишлар ҳисоб китоби	Бажарилган ишлар далолатномасига мос ҳолда тўланади
7	Иш тури	мукаммал тамирлаш
8	Ишни бажариш муддати	Шартнома имзоланиб олдиндан 30% тўлов ўтказилгандан сўнг 40 кун муддат ичида бажариш.
9	Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Ишни бажариш жараёнида техника хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилишлари шарт.
10	Молиялаштириш манбаси	Опен бюджет маблағлари ҳисобидан
11	Бажариладиган ишлар қиймати	393 839 455 (Уч юз тўқсон уч миллион саккиз юз ўттиз тўққиз минг тўрт юз элик беш) сўм
12	Пудратчи ташкилот тўғрисида маълумот	Пудратчи ташкилот низоми руйхатдан ўтказилгани тўғрисида гувоҳнома
13	Банк ва солиқдан қарзи йуклиги тўғрисида	Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзи йуклиги тўғрисида маълумот Қайси турдаги солиқ тўловчи эканлиги тўғрисида маълумот

14	Машина механизмлар тўғрисида	Ташкилотни балансида мавжуд машина механизмлари хақида маълумотлар ёки керакали машини ва механизмлар билан таъминловчи корxonанинг кафолат хати
15	Рейтинг	Пудратчининг Қурилиш вазирлиги махсус электрон проталида рейтинг мавжудлиги тўғрисида маълумот
16	Молиявий ҳолати	Корxonани охириги йиллик баланс ҳисоботлари (Давлат солиқ инспекциясидан тасдиқланган бўлиш керак). Қурилиш ташкилотини ҳисоб рақамида конкурсдаги қурилиш ишлари суммасини 20 % миқдорда пул маблағи мавжуд бўлиши ёки шу миқдорда айланма маблағи борлиги тўғрисида банк хати
17	Ишчи ходимлар тўғрисида	Инженер ва техник ходимлар ва доимий ишчи мутахассислар тўғрисида маълумот (Ушбу маълумот Ўзбекистон Республикаси Ягона миллий меҳнат тизимидан олинishi ҳамда ходимларнинг ИНПС рақами ва ИНПСга ўтказилган маблағлари тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ тақдим этилиши шарт)
18	Иш тажрибаси	Ташкилотни охириги уч йил мобайнида бажарган ишлари ҳамда конкурс объектига ўхшаш объеклда бажарган ишлари тўғрисида маълумот
19	Кафолат хати	Пудратчи 12 ой мобайнида бажарилган ишлар учун кафолат бериш керак .Агар шу муддат ичида носозлик ҳолати аниқланса пудратчи ҳисобидан бартараф этилади